

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

Kogon «Oltin tola»  
aksiyadorlik jamiyatining  
Kuzatuv kengashi raisi

**“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”**

Қимматли қоғозлар бозорини  
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш  
Марказининг Бухоро вилояти ҳудудий  
бошқармаси бошлиғи

Убайдов Н.И.

Нарзуллаев А.Ш.

28 » сентябрь 2014 й. 1/0 -сон

«27» октябрь 2014 й. 01206-сон

(сана) М.Ў.

(сана) М.Ў.

**АКЦИЯЛАР ЯНГИ ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

**Kogon «Oltin tola» aksiyadorlik jamiyati**

Идентификация рақами оддий акцияларга берилди:	R	4	1	0	6	С	0	1	2	0	Т	2
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

ҳар бирининг номинал қиймати 2900 сўм бўлган 1 172 772 дона эгаси ёзилган оддий  
ўзғатсиз акциялар.

Идентификация рақами имтиёзли акцияларга берилди:	R	4	2	0	6	С	0	1	2	0	Т	0
--	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

ҳар бирининг номинал қиймати 2900 сўм бўлган 27 228 дона эгаси ёзилган имтиёзли  
ўзғатсиз акциялар.

Ёпиқ обуна (хусусий йўсинда жойлаштириш).  
Акцияларнинг ушбу чиқарилиши олтинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: 2014 йил 29 сентябрдаги кузатув кенгашининг мажлисида 3-сонли  
қарорнома, Kogon «Oltin tola» очик акциядорлик жамияти акциядорларининг 2014 йил  
14 августдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори асосида баённома.

Матентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: 200700, Ўзбекистон,  
Бухоро вилоят, Когон шаҳри, Пахтакор кўчаси 1-уй.

Телефон/факс: 0-365-52-44-103, 0-365-52-45-497.


Kogon «Oltin tola» AJ  
Кузатув раиси:

Бозоров Бахтиёр Худоёрович

Бош бухгалтер

Очилов Ҳамза Ўктамович

Сана: «27» 10 2014 йил



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий ва имтиёзли акциялар**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **2900 сўм**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **1 172 772 дона оддий ва 27 228 дона имтиёзли акциялар.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **3 480 000 000 сўм**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

**Акциядорлар:**

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиши;

- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиши;

- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиши;

- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиши;

- акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиши;

- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиши;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиши;

- қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши;

- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қоплашини белгиланган тартибда талаб қилиши;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ношижорат таъкилотларига бирлашиши;

- қимматли қозғаларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда ҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига чеклашлар мавжуд эмас. Мазкур чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали, аввал жойлаштирилган нар номиналдаги акцияларни номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланиши йўли билан жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **3 480 000 000 сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Аввал ҳар бирининг номинал қиймати 530 сўм бўлган 1 172 772 дона оддий ва 27 228 дона имтиёзли эгаси ёзилган хужжатсиз акциялар жойлаштирилган.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпик обуна):

(Ёпик обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият акциядорлари ўртасида ёпик обуна орқали акциядорлар ўртасида акциялар тури ва сонига мутаносиб равишда аввал паст номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акцияларни янгидан чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошлаш йўли билан жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 15 (ун беш) календар кундан кечиктирмасдан айирбошлаш йўли билан жойлаштирилади.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-хуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал штирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлик ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

**Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб, 15 календарь кун ичида айирбошлаш орқали жойлаштирилади. Паст номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланади, бунда фуқаролик-хуқуқий битимлар тузилмайди.**

**Ушбу акциялар чиқарилишини жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди.**

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-хуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлик фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни

берган орган, амал қилиш муддати): *Акцияларни сақлаш Қимматли қозғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.*

*Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қозғозларнинг марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.*

*Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш хизмат кўрсатувчи депозитарийлар томонидан амалга оширилади.*

Қимматли қозғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумотлар:

Тўлик номи: *Қимматли қозғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси*

Ташкилий ҳуқуқий шакли: *Давлат унитар корхонаси*

Жойлашган ери ва почта манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй.*

Алоқа телефони: *0-371-236-14-34.*

*Қимматли қозғозлар марказий депозитарийси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарорига асосан амалга оширилади.*

Хизмат кўрсатувчи депозитарийлар тўғрисидаги маълумотлар:

1. Тўлик номи: *Қимматли қозғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси*

Ташкилий ҳуқуқий шакли: *Давлат унитар корхонаси*

Жойлашган ери ва почта манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй.*

Алоқа телефони: *0-371-236-14-34.*

*Қимматли қозғозлар марказий депозитарийси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарорига асосан амалга оширилади.*

2. Тўлик номи: *«ELIT-DEPOZIT» масъулияти чекланган жамияти*

Ташкилий ҳуқуқий шакли: *масъулияти чекланган жамияти*

Жойлашган ери ва почта манзили: *100011, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 46*

*қ. 46 хона;*

Алоқа телефони: *0 – 371- 253 – 48 - 30, телефакс – 0 – 371- 253 – 98 - 24;*

*Депозитар фаолиятини амалга ошириш учун Қимматли қозғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2006 йил 18 августда берилган 642-сонли амал қилиш муддати чекланмаган муддатга лицензия берилган.*

3. Тўлик номи: *«Mulk-Sarmoya Brokerlik Uyi» акциядорлик жамияти*

Ташкилий ҳуқуқий шакли: *акциядорлик жамияти*

Жойлашган ери ва почта манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй.*

Алоқа телефони: *0-371-232-10-45, 0-371-232-10-46.*

*Депозитар фаолиятини амалга ошириш учун Қимматли қозғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 2014 йил 11 июлдаги 107-сонли амал қилиш муддати чекланмаган муддатга лицензия берилган.*

4. Тўлик номи: *Depozitariy «BUXORO VAQT» масъулияти чекланган жамияти*

Ташкилий ҳуқуқий шакли: *масъулияти чекланган жамияти*

Жойлашган ери ва почта манзили: *Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.*

Алоқа телефони: *0-365-221-57-93.*

*Депозитар фаолиятни амалга ошириш учун Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2005 йил 24 февралдаги 788-сонли амал қилиш муддати чекланмаган муддатга лицензия берилган.*

*Акцияларни сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қимматли қозғалар марказий депозитарийсининг ҳисоб регистрларида амалга оширилади.*

*Депозитарийлар ўз депонентларининг ҳисобварақларида уларнинг Қимматли қозғалар марказий депозитарийсидаги вакиллик ҳисобварақларида жамлаб, ҳисобга олиб бориладиган акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олади.*

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: (Жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

- бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўяхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);
- жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;
- жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).

*Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш назарда тутилмаган.*

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: (акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади. Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

*Акциялар номинал қийматда, яъни 2900 сўмдан жойлаштирилади.*

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: (Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.). Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш — топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;
- баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

*Авалги чиқарилган ва жойлаштирилган 1 200 000 дана 636 000 000 сўмлик акциялар номинал қиймати бўйича тўланган ҳисобланади. Акциялар янги чиқарилиши бўйича жамият устав капиталининг 2 844 000 000 сўмлик ошган қисми жамият акциядорларининг 2014 йил 14 сентябрдаги умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятнинг 2014 йил 1 январ ҳолатидаги тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан тўланади ва бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар амалга оширилади.*

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас): *Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг 100 фоизи жойлашмаган тақдирда ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилади.*

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: *Акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилган тақдирда, жамият бошқаруви органи томонидан акциялар номинал қийматини пасайтириш орқали устав капитални камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда бухгалтерия ёзувларида дебет «Устав капитал» 8300 ҳисобидан кредит «Тақсимланмаган фойда» 8700 ҳисобига қайта ўтказиш амалга оширилади.*

12. Эмитент томонидан қимматли қозғалар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

*Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидагича ошкор қилинади:*

- қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг сайтида [www.csm.gov.uz](http://www.csm.gov.uz) (<http://openinfo.csm.gov.uz>);
- жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;
- агар жамиятнинг қимматли қозғалари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса фонд биржасининг расмий веб-сайтида [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz).

*Акциялар янги чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг асл нусхалари билан барча манфаатдор шахслар жамият жойлашган манзили бўйича Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Пахтакор кўчаси 1-уй манзили бўйича иш кунлари соат 09:00дан 17:00гача танишиши мумкин.*

*Акциялар янги чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг нусхаларини манфаатдор шахслар жамиятга ёзма мурожаат қилиб олишлари мумкин.*

13. Бошқа маълумотлар. *Қўшимча ва бошқа маълумотлар мавжуд эмас.*